

سلعة ثمنها الجنة

Баҳоси жаннат мато

Шайх Муҳаммад Ҳассон

Ислом Нури таржимаси

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

Аммо баъд...

Азиз оға-инилар, муҳтарама опа-сингиллар, барчангизга Аллоҳнинг саломи

бўлсин, даврамизга хуш келибсиз, сиз-у бизни ушбу муборак Уйида Ўз тоати устида жамлаган Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан охиратда ҳам ҳаммамизни Ўзининг жаннатида ва улўғлик ҳовлисида жамлашини ва даъватчилар саййиди бўлган Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга қилишини сўрайман. Зотан, У бунинг хожаси ва бунга қодирдир.

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Бугунги суҳбатимизни «**Баҳоси жаннат мато**» деб атадик. Одатимизга кўра, уни қуйидаги бир неча моддаларга тақсимлаб олиб борамиз:

Биринчи: Аччиқ воқелик.

Иккинчи: Жиҳоднинг шарафи ва фазли.

Учинчи: Порлоқ кўринишлар.

Тўртинчи: Ортга қочиш гуноҳи кабирадир.

Бешинчи: Иззат фақат жиҳод биландир.

Вужудингиз қулоққа айланиб, диққат билан тинглашингизни сўрайман. Зотан, суҳбатимиз мавзусини ушбу оғир даврларда ғоят аҳамият касб этувчи мавзулардан деб биламан. Аллоҳ таолодан тўғрилиқ ва тавфиқ ато этишини, сўзларимиз ва амалларимизни ёлғиз Ўзининг ризосига мувофиқ қилишини сўрайман, У барча нарсага қодир зотдир.

Биринчи: Аччиқ воқелик

Уммат бугунги кунда бошидан кечириб турган аччиқ воқеликка ташхис қўйишда гапни чўзиб ўтирмайман. Зеро, бу воқелик катталар тугул ёш болага ҳам, яқиндагилар тугул узоқдагиларга ҳам маълум бўлиб турибди. Аллоҳга қасамки, кўзлар ёш тўкмоқда, диллар қон йиғламоқда, уммат

бошига тушган кўргуликлардан ҳар бир иймон эгаси қаттиқ алам-изтиробда бугун..

Бугун Ислом умматининг аҳволини кузатган киши, агар жароҳатидан қон томаётган бу бечора умматнинг ҳолига юраги куядиган кишилардан бўлса, албатта қон йиғлайди.

Умнат иззатдан сўнг хорликка, куч-қудратдан сўнг заифликка, илму маърифатдан сўнг жаҳолатга юз тутди!! Кунни кеча башарият карвонини муносиб равишда бошқариб турган умнат бугунга келиб карвоннинг энг охирида қолиб кетди.

Яқин ўтмишда зулматларда йўл йўқотиб, саҳроларда тентираб, адашиб юрган халқларга маёқ ва ҳидоят машъаласи вазифасини ўтаб келган умнат бугунга келиб инсоний мафкуралар дастурхонига қўл чўзиб, тиланчилик қиладиган аҳволга тушиб қолди.

Куни кеча тажрибали йўлбошчилардан бошқаси йўл топиб юролмайдиган чангалзор тўқайлар ва ҳалокатли саҳролардаги сўқмоқлар ичра йўлбошловчилик вазифасини қойил қилиб адо этиб юрган уммат бугунга келиб тўғри йўлда ҳам қоқиладиган, ҳатто йўлини топиб юролмайдиган бир аҳволга тушиб қолди.

Аллоҳ азза ва жалла Қуръони каримда бу умматни васатийлик билан сифатлади, васатийлик эса Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тафсирлари билан айтганда мўътадилликдир. Аммо, биз бугун умматни васатийлик – мўътадиллик йўлини қўйиб, ҳали худосиз шарққа, ҳали кофир ғарбга мойил бўлишини кўрмоқдамиз!

Аллоҳ азза ва жалла Қуръони каримда бу умматни энг яхши уммат деб сифатлади ва унинг яхшилигини қуйидаги шартларга – амри маъруф (яхшиликка буюриш), наҳий

мункар (ёмонликдан қайтариш) ва Аллоҳга иймон келтиришга боғлиқ қилиб қўйди. Аммо, бугун уммат фарзандлари ичида ёмонликка буюрадиган, яхшиликдан қайтарадиган ва Аллоҳга очиқ-ошкор ширк келтирадиган кишилар истаганча топиладиган бўлиб қолди! Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ!!

Аллоҳ азза ва жалла Қуръони каримда бу умматни бирлик ва бирдамлик билан сифатлади. Бироқ, бугун умматнинг бирдамлиги йўқолди, сафлари тирқираб кетди, ягона Ислом уммати бугунги кунда давлатларга, балки митти давлатчаларга бўлиниб кетди, ушбу давлатчалар ҳам ўз навбатида бир неча бўлақларга бўлиниб кетди. Мустамлака ушбу давлатчалар ва территориал бўлақлар ўртасига ифлос ва бадбўй қозиқларни – тиканли чегараларни тиклаб қўйди, душманлар вақти-вақти

билан бири олиб бири қўйиб, ушбу давлатчалар ўртасида фитналар оловини ёқиб туришади, шу билан улар ўзаро ички можаролари билан овора бўлиб, ўз ёғларига ўзлари қовурилиб ётишаверади, на худосиз шарқ ва на кофир ғарб уларга илтифот қилади!

Уммат бугун ер юзининг энг қолақ, энг хор ва энг ҳақир халқлари ҳам ҳеч тортинмай кўз олайтирадиган ва қўл чўзадиган тайёр луқмага айланиб қолди! Уммат бугун маймун ва тўнғизларнинг оғалари бўлмиш яҳудлар, жинойтчи серблар, худосиз коммунистлар, ифлос сигирпарастлар оёғи остига ташланган ширин хўракка айланди!

Аллоҳ таоло бугун бу умматни пешоналарига абадий хорлик ва хўрлик битилган халқлар томонидан оёқости қилдириб қўйди. Мен доим айтаманки,

хорларга оёқости бўлиб қолган халқдан
кўра ҳам хорроқ халқ бўладими?!

Йўқ, бўлмайди асло!

Хўш, уммат нима сабабдан мана шундай
аянчли аҳволга ва ана шундай аччиқ
воқеликка етиб келди?

Бу саволнинг жавоби Аллоҳ таолонинг
Китобидаги биргина оятда мужассам
бўлган: **«Аниқки, то бирон қавм ўзларини
ўзгартирмагунларича Аллоҳ уларнинг
аҳволини ўзгартирмас»** (Раъд: 11).

Аллоҳга қасамки, уммат ўз аҳволини ўзи
ўзгартирди.. Ақидасини ҳам, ибодатларини
ҳам ўзгартириб, алмаштириб ташлади!
Ўзига ўзи қонунлар чиқарадиган бўлди,
Парвардигорига қарши журъат қилди!!

Азиз дўстларим! Уммат ҳаётнинг ҳамма
жабҳаларини ўзгартириб юборгани учун ҳам
мана шундай оғриқли ва аянчли
кўргуликларга дучор бўлди. Уммат бошига

тушган бу ҳолат унга нисбатан Аллоҳ таолонинг мутлақ адолати бўлди деб ўйлайман. Чунки, Аллоҳ таоло халқларидан ҳеч бирига, у ўзини Аллоҳнинг энг суюмли бандаси деб ҳарчанд даъво қилган тақдирда ҳам, ҳеч қачон тарафкашлик қилмайди.

Севикли биродарларим! Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жуда дақиқ сўзлар билан ушбу дардга ташхис қўйганлар ва унинг давосини белгилаб берганлар.

Абу Довуд ва Аҳмад Савбон розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ҳали устингизга халқлар худди емакхўрлар товоғига ташланганидек ёпирилиб келади»**, дедилар. Биз: «Ё Расулуллоҳ, ўша куни озчилик бўлганимизданми?», деб сўрадик. **«Сизлар**

у куні кўпчилик бўласизлар, лекин худди селнинг кўпиги каби кўпик бўласизлар, душманларингиз қалбидан маҳобат (қўрқув) олиб қўйилади ва қалбларингизга ваҳн (заифлик) солиб қўйилади», дедилар. «Ваҳн нима?», дедик. «Дунёга муҳаббат ва ўлимни ёмон кўриш», дедилар» (Абу Довуд (№4297), Аҳмад (5/278) ривоятлари, Албоний «Ас-силсилатус-саҳиҳа»да (№958) саҳиҳ санаган).

Мана, дарднинг илдизи қаерда!! Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқа бир ҳадисларида ҳам ушбу дарднинг манбаини таъкидлаганлар.

Имом Аҳмад, Абу Довуд ва бошқалар Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «**Агар ийна** (ҳаром рибо турларидан бири) **билан**

савдо-сотик қилсангиз, сигирларнинг думини тутсангиз ва фақат экин-тикин билан машғул бўлиб, жиҳодни тарк қилсангиз, Аллоҳ сизларга хорликни келтириб қўяди ва то динингизга қайтмагунларингизча, уни устингиздан кўтармайди» (Абу Довуд (№3462) ривояти, Албоний «Ас-саҳиҳа»да (№11) саҳиҳ санаган).

Қачонки, уммат иймон тушунчасини ўзгартириб юборгач ва унинг жисмига муржиаларнинг (амални иймондан санамаслик) фикри суқулиб киргач, соф ақида бузилиб, унинг поклиги булғатилгач, уммат саҳиҳ эътиқоддан ва иймоннинг уламолар томонидан таъриф берилганидек, тил билан айтиш, қалб билан тасдиқлаш ва рукнларга (ёки бадан аъзолари билан) амал қилишдир, деган ҳақиқатидан бурилиб кетгач, уммат Аллоҳдан бошқадан мадад

тилайдиган ва гоҳида худосиз шарқдан,
гоҳида кофир ғарбдан ёрдам сўрайдиган
бўлгач, Аллоҳдан бошқага атаб қон
чиқарадиган ва назрлар тақдим этадиган
бўлгач, ҳожатларини ўликлардан
тилайдиган бўлгач, Аллоҳ азда ва
жалланинг шариатини бир четга суриб
қўйгач, Аллоҳ йўлидаги жиҳодни тарк
қилгач ва уни лой-у балчиққа қорғач,
одамлар мансаб курсиларига ва пул-молга
сиғиниб кетишгач, қўлларидаги ҳамма
нарсани ва ҳатто ақидаларини ҳам ана шу
фоний мансаб ва ўткинчи курсиларни
сақлаб қолиш йўлида, уларга мансаб
берган ва уларни парда ортидан қўғирчоқ
мисол ўйнатган бошлиқларини рози қилиш
йўлида қурбон қилишгач... Бир сўз билан
айтганда, уммат ер билан битта бўлгач ва
Аллоҳ йўлидаги жиҳодни тарк қилгач, Аллоҳ
таоло улар устига маймун ва тўнғизларнинг

оға-иниларини, жинойтчи серблар, худосиз коммунистлар ва сигиру сичқонларга сиғинувчи кимсаларни ҳукмрон қилиб қўйди!!

Бугун умматни ана шундай аянчли кўринишга тушганини кўрмоқдасиз. Аллоҳ азза ва жалладан дилларимизни Исломнинг нусрати ва мусулмонларнинг иззати билан қувончга тўлдиришини сўраймиз.

«Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас» (Раъд: 11).

Мусулмон биродарлар!

Уммат бошидан кечириб турган бундай аламли воқелик ва аянчли ҳолатдан қутулишнинг ягона йўли – Исломнинг ўрқачи бўлган жиҳод байроғини баланд кўтаришдир.

Мен бугунги кунда жиҳод ҳақида гапириш жуда катта жинойтга айланганини жуда

яхши биламан.. Шунинчиси ҳам яхши биламанки, жиҳод ҳақидаги ҳар қандай сўз бугунги кунда нохуш қарши олинади.. Жиҳод ҳақида гапирилган ҳар қандай гап-сўз оёқ-қўлга кишан урилишига олиб келадиган жиноят сифатида талқин қилинади. Чунки, қўғирчоқ матбуот, радио ва телевидения жиҳод суратини булғашнинг, унинг нури кўринишига лой чаплашнинг уддасидан чиқа олди. Жиҳодни улар илмсиз ва жоҳил кимсалар тарафидан бегуноҳ одамларни ўлдирилиши, қон тўкиш, террор ва босқинчилик суратида тасвирлайдилар!! Жиҳоднинг нуруний суратини ана шундай сохта кўринишлар билан аралаштириб ташлайдилар!!

Лекин, мен ҳозир гапирмоқчи бўлганим жиҳод – Аллоҳ йўлида, кофир ва жиноятчи бўлган Аллоҳнинг душманларига ва

умматнинг душманларига қарши олиб
бориладиган жиҳоддир.

Иккинчи: Жиҳоднинг шарафи ва фазли

Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарини Унга
даъват қилишга буюрди ва шундай хитоб
қилди: **«Эй (либосларига) бурканиб олган
зот, туринг-да, (инсонларни охират
азобидан) огоҳлантиринг!»** (Муддассир: 1-
2).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам
шу буйруққа биноан турдилар ва шу
турганларича то Парвардигорларига
йўлиққунларича қайта ўтирмадилар ва
ухлаб ётмадилар. Аллоҳ таоло ушбу сиррий
босқичдан сўнг у зотга даъватни ошкор
қилиш амрини берди: **«Бас, сиз ўзингизга
буюрилган ишни (яъни, ҳақ динга даъват**

қилишни) юзага чиқаринг ва мушриклардан юз ўғиринг!» (Ҳижр: 94).

Шундан сўнг у зот каттаю-кичикни, озоду-қулни, эркагу-аёлни, оқу-қорани Аллоҳга даъват қилишга турдилар.

Қурайш титраб-қақшаб, ўкириб ва наъра тортиб, у зотга қарши уруш эълон қилди ва у зотни йўқ қилиб ташлашга аҳд қилди. Озорлар кучайиб, синовлар қаттиқлашиб кетгач, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки бор асҳобларини Ҳабашистонга ҳижрат қилишга буюрдилар. Озорлар ҳар қанча кучли бўлмасин, Аллоҳ таоло Пайғамбарига ёмонликка ёмонлик билан юзланишга, Аллоҳу Расулига қарши уруш очган ва мўминларни фитналарга дучор қилган кимсаларга қарши уруш қилишга изн бермади, балки қуйидаги мазмундаги оятлари орқали афв қилишга ва кечиришга буюрди.

Аллоҳ таоло айтди:

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **сиз Парвардигорингизнинг ҳукмига** (яъни мушрикларни дарҳол азобга дучор қилмаганига ва сизни турли машаққатли синовлар билан имтиҳон қилишига) **сабр қилинг**» (Ват-тур: 48).

«**Бас**, (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **сиз улардан юз ўғиринг ва «Тинчлик-омонлик бўлсин», денг! Бас, улар яқинда** (куфру исёнларининг оқибати қандай бўлишини) **билиб олажаклар!**» (Зухруф: 89).

«**Бас** (шундай экан, эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, сиз жоҳил — кимсаларнинг етказаетган озор-азиятларига сабр-тоқат қилинг ва улардан) **чиройли юз ўғириш билан юз ўғиринг!**» (Ҳижр: 85)

«**Сиз** (улар қилаётган) **ёмонликни энг гўзал сўзлар билан дафъ қилинг! Биз**

улар (сизни масхаралаб) айтаётган гапларни жуда яхши билувчидирмиз» (Муъминун: 96).

Озор ва қувғинлар кучайиб бориб, охири Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни хиёнаткорона ўлдириш режасини ишлаб чиқиш билан чўққисига етди. Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбарликнинг ўн учинчи йилида Маккадан Мадинага ҳижрат қилишга мажбур бўлдилар, барча саҳобаларини ҳам Мадинага ҳижрат қилишга амр этдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинада қарор топгач ва Аллоҳ таоло у зотни ансорлар ва муҳожирлардан иборат покиза ва садоқатли мўминлар билан қувватлантиргач, асҳоблари у зотнинг ҳимояси ва нусрати йўлида жонларини фидо қиладиган, у зотнинг муҳаббатини ўз оталари, фарзандлари ва

аёллари муҳаббатидан устун қўядиган бўлишгач, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинада Ислom давлатини барпо қилгач, Ислomнинг тўла маънодаги, ўз раҳбари, армияси, куч-қудрати, ерига эга бўлган давлати қарор топгач.. Ана шундан кейингина Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга ва у зот билан бирга мўминларга жангга изн берилди. Бироқ, шунда ҳам уларга уруш фарз қилинмади, балки даъват эркинлигини ва шахс эркинлигини таъминлаш учун тажовузкор кучларга қарши жанг қилишга изн берилди. Аллоҳ таоло деди:

«Хужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилиш) изни берилди. Албатта Аллоҳ уларни ғолиб қилишга қодирдир. Улар ўз диёрларидан фақатгина «Бизнинг Парвардигоримиз (ягона) Аллоҳдир», деганлари учун

қувилган зотлардир. Агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан дафъ қилиб турмас экан, шубҳасиз Аллоҳ номи кўп зикр қилинадиган (роҳибларнинг) узлатгоҳлари, (насронийларнинг) бутхоналари, (яҳудийларнинг) ибодатхоналари ва (мусулмонларнинг) масжидлари вайрон қилинган бўлур эди. Албатта Аллоҳ Ўзига (яъни динига) ёрдам берадиган зотларни ғолиб қилур. Шубҳасиз Аллоҳ кучли, қудратлидир. Уларни (яъни мусулмонларни) агар Биз ер юзига ғолиб қилсак – улар намозни тўқис адо этадилар, закотни (ҳақдорларга) ато этадилар, яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар. (Барча) ишларнинг оқибати Аллоҳнинг (измидадир)» (Ҳаж: 39-41).

Фақат ҳижратнинг иккинчи йилида Аллоҳ таоло қуйидаги оят билан урушни фарз қилди:

«Сизларга ёқмаса-да, жанг қилишингиз фарз қилинди. (Зотан) сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсани ёқтирмаслигингиз ва сиз учун ёмон бўлган нарсани яхши кўришингиз мумкин. Аллоҳ билур, сизлар билмассиз» (Бақара: 216).

Шу билан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга ва у зот билан бирга бўлган мўминларга ҳамда у зотдан кейин келадиган мўминларга то қиёматгача жиҳод фарз бўлди. Жиҳодни аллақачон ўлганга чиқаришга уринаётган жиноятчи, бўҳтончи ва ёлғончиларга ишонманг! Жиҳод ўлмаган ва у Аллоҳнинг изни билан ҳеч қачон ўлмаяжак!

Аллоҳ таолодан сизу-бизни Исломнинг нусрати ва муваҳҳидларнинг иззати билан бахтиёр этишини сўрайман.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло жиҳоднинг шарафини баён қилди ва мўминларни жиҳодга тарғиб қилиб, шундай оятлар туширди:

«Эй мўминлар, сизларга аламли азобдан нажот берадиган бир «тижорат»ни кўрсатайми? (Ўша «тижорат» мана будир) — Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига иймон келтирасизлар ва Аллоҳ йўлида мол ва жонларингиз билан жиҳод қиласизлар. Мана шу агар билсангизлар ўзларингиз учун энг яхши (иш)дир. (Агар шундай қилсангизлар, Аллоҳ) сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилур ҳамда сизларни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга ва абадий жаннатлардаги покиза

масканларга киритур. Бу эса улуг бахтдир. Ва (Аллоҳ сизларга) яна бошқа сизлар суядиган (бир неъматни ҳам берурки, у) Аллоҳ томонидан бўлган ғалаба ва яқин(да рўй берувчи Макка) фатҳидир. (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), мўминларга (мана шу) хушхабарни етказинг!» (Саф: 10-13).

Оламлар Парвардигори бўлган Раббимизнинг сўзларини тасдиқлайсизларми?! Бу Раббимизнинг сўзларидир!

Эътибор беринг, эй ёшлар, Аллоҳ таоло жиҳоддан олдин иймонга буюрди! У **«Эй мўминлар»** дея иймон аҳлига хитоб қилиб, уларни биринчи навбатда иймонга буюрди: **«Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига иймон келтирасизлар».**

Севикли дўстларим!

Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, биз энг биринчи навбатда иймонни вужудга келтирмас эканмиз ва одамларни соф, комил ва шомил тавҳид ақидаси устида тарбия қилмас эканмиз, ҳеч қачон Ислом давлатини ва Аллоҳнинг шариати ҳукмрон бўлган ҳокимиятни кўрмаймиз!!

Эй мусулмонлар!

Ислом ақидадир.. Унинг пойдевори ақидадир.. Биринчи одим ақидадир.. Ислом шариати унинг ақидасидан келиб чиқади.. Ва бу шариат ҳаётнинг барча тармоқларини тартибга солади.. Шунини яхши билингки, Аллоҳ таоло ақидаси дуруст бўлмаган қавмнинг шариатини мақбул санамайди.

Аллоҳга қасамки, биз ўзимиз орзу қилаётган ҳолатни кўришимиз учун албатта тарбияни Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам нима билан бошлаган бўлсалар,

ўшандан бошлашимиз, яъни энг биринчи навбатда ақидани тузатишимиз зарур!

(Давоми бор)

Навқирон дўстим, шошқалоқ бўлманг..

Айрим ёш биродарларимиз эътироз билдиришлари мумкинки, сиз уммат оёқости бўлиб, хорланиб турган шундай оғир кунларда (жиҳод бошлаш ўрнига) тарбияни янгидан, яна қайта ақидадан бошлашимизни истайсизми?!

Мен уларга оғзимни тўлдириб ва бор овозим билан айтаманки, модомики соф ва покиза, комил ва шомил, саҳиҳ ақида устида янгидан тарбияланмас экансиз, минг йил уринсангиз ҳам, мутлақо самарасиз кетаверади!! Сиз натижадан масъул эмассиз. Аллоҳ таоло сиздан натижани сўрамайди, балки У сиздан нима амал қилганингизни сўрайди!

«Айтинг: (Хоҳлаган) амални қилинглр. Бас, Аллоҳ, Унинг пайғамбари ва мўминлар қилган амалларингизни кўриб турар ва яқинда ғайбу шаҳодатни (яъни, яширин ва ошкор нарсаларнинг барчасини) билувчи зотга қайтарилурсизлар. Бас, У зот сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур» (Тавба: 105).

Аллоҳ таоло сиздан даъватнинг натижасидан ё амалнинг натижасидан асло сўрамайди. Сизнинг вазифангиз даъватни чиройли панд-насиҳат ва етук ҳикмат билан етказиш, холос. Аммо, биров бу билан ҳидоятланадими, йўқми, бундан сиз масъул бўлмайсиз. Бу энди банданинг иши эмас, Парвардигори оламнинг қўлидаги ишдир.

Аллоҳ жалла ва ало даъватчилар имоми ва пайғамбарлар саййидига шундай хитоб қилди:

«Уларни ҳидоят қилиш Сизнинг зиммангизда эмас (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам). Балки Аллоҳ Ўзи истаган кишиларни ҳидоят қилади» (Бақара: 272).

«Сиз фақат (кофирларни Аллоҳнинг азобидан) огоҳлантирувчидирсиз» (Раъд: 7).

«Сизнинг зиммангизда фақат (Биз сизга нозил қилган ваҳийни) етказиш бор, холос.» (Шуро: 48).

«Эй пайғамбар, сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг!» (Моида: 67).

Етказиш, огоҳлантириш ва башорат бериш вазифаси.. Даъватчилар имоми Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вазифалари шундан иборат эди. Аммо, натижалар бизнинг қўлимизда эмас.. Биз натижаларни Аллоҳга

қолдирамиз.. Мабодо Аллоҳнинг дини учун қўлингиздан келган ҳамма ишни қилсангиз ва Ислом давлатини кўрмай ўлиб кетсангиз, сиз Аллоҳ азда ва жалла ҳузурида маъзур саналасиз.

«Эй мўминлар, сизларга аламли азобдан нажот берадиган бир «тижорат»ни кўрсатайми?».

«Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига иймон келтирасизлар».

Демак, энг биринчи қадам иймон ва ақидани тузатиш экан.

Кошкийди, исломий ҳаракат воқеликда ўзи йўл қўйган хатолардан сабоқ чиқарганида.. Аммо, минг афсус, исломий ҳаракат то шу бугунгача ҳам воқедаги хатоларидан сабоқ чиқармади!!

Афғонистондаги воқеликка ва Афғон тупроғида содир бўлаётган талотўп ва қон тўкишларга назар ташланг.. Афғон

мужоҳидлари комил ва шомил суратдаги саҳиҳ ақида устида тарбия топмаганлари боис (совет босқинчиларини тор-мор этганларидан) кейин бир-бирларининг кўкракларига қараб қурол ўқталишга ўтдилар. Бу ҳаётий воқелиқдир, биз буни очиқ айтишдан хижолат бўлмаслигимиз керак. Биз буни очиқ айтиш билан Аллоҳнинг борлиқдаги суннатини (қонуниятини) таъкидлаган бўламизки, бу суннат халқларидан бирон кишига тарафкашлик қилмайди.. Саҳиҳ ақида устида тарбияланиш жуда зарур!!

Бу деган сўзимдан афғон мужоҳидлари ифлос рус айиғини ўз ерларини сурбетларча истило қилишига, номусларни поймол қилишига, шарафларни булғашига тек қўйиб беришлари ва масжидларда машойихлар қўлида шаръий илм ва ақида тарбиясини олиб ўтираверишлари керак

эди, деган маъно чиқмаслиги керак. Йўқ, ҳаракат воқелигидан хабардор бўлган ҳар бир онгли киши бундай гапни асло айтмайди. Чунки, душман бир ерга бостириб кирганида ўша ердаги толиби илмлар жиҳодга чиқмасдан шаръий илм таҳсилида давом этишлари ҳаром бўлади. Буни яхши тушуниб олиш зарур, азиз дўстларим!

Бироқ, ҳозир биз бошдан кечираётган босқичда биз ийманий тарбияга муҳтожмиз, уммат ҳозирги даврда ийманий тарбияга ўта муҳтождир.

«Эй мўминлар, сизларга аламли азобдан нажот берадиган бир «тижорат»ни кўрсатайми? (Ўша «тижорат» мана будир) — Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига иймон келтирасизлар ва Аллоҳ йўлида мол ва жонларингиз билан жиҳод қиласизлар. Мана шу агар

билсангизлар ўзларингиз учун энг яхши (иш)дир. (Агар шундай қилсангизлар, Аллоҳ) сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилур ҳамда сизларни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга ва абадий жаннатлардаги покиза масканларга киритур. Бу эса улуғ бахтдир. Ва (Аллоҳ сизларга) яна бошқа сизлар суядиган (бир неъматни ҳам берурки, у) Аллоҳ томонидан бўлган ғалаба ва яқин(да рўй берувчи Макка) фатҳидир. (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), мўминларга (мана шу) хушхабарни етказинг!» (Саф: 10-13).

Ана шундай фойдали тижоратга тарғибдан сўнг мана бу олий даражадаги битим ва улуғ ваъда келадики, уни Аллоҳ таоло Ўзининг энг афзал китоблари бўлмиш Таврот, Инжил ва Қуръонда ваъда қилади. Аллоҳга қасамки, бундан олийроқ битим ва

бундан юксакроқ савдо шартномаси бўлиши мумкин эмас!! Ундаги харидор – Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Ўзи, тўлов баҳоси – жаннат, савдога қўйилган мато эса Аллоҳ йўлида жону мол билан жиҳод қилишдир!

Аллоҳ таоло айтади: **«Албатта, Аллоҳ мўминларнинг жонларини ва молларини улардан жаннат баробарига сотиб олди — улар Аллоҳ йўлида жанг қилишиб (кофирларни) ўлдирадилар ва (ўзлари ҳам Аллоҳ учун шаҳид бўлиб) ўлдириладилар, (Бундай мўминларга жаннат берилишига) Аллоҳ Таврот, Инжил ва Қуръонда Ўзининг ҳақ ваъдасини бергандир. Аллоҳдан ҳам аҳдига вафодорроқ ким бор? Бас, (эй мўминлар), қилган бу савдоларингиздан шод бўлингиз. Мана шу ҳақиқий буюк бахтдир»** (Тавба: 111).

Битимга қўл қўйилгач ва унда фойда кўрган тижоратчилар ўз қимматбаҳо

молларини, яъни жонлари ва молларини харидор қўлига топширишгач, уларга: «Жонингиз ва молингиз бизники бўлди, энди Биз уларни сизларга тўла-тўқис, мукаррам ва азиз ҳолида сизларга қайтариб берамиз», деб айтилди. Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳ йўлидаги жангда ўлдирилган зотларни ҳаргиз ўликлар деб ўйламанг! Йўқ, улар тириклардир! У зотлар Аллоҳ Ўз фазлу карами билан берган неъматлардан хушнуд ҳолларида баҳраманд бўлмоқдалар»** (Оли Имрон: 169).

Саховати ва карамининг чек-чегараси йўқ бўлган Зотни поклайман! Биз савдога қўйган матони Унинг Ўзи берган, бизга жону мол ато этган эди. Унга тўлов баҳосини ҳам яна Унинг Ўзи берди. **«Бу** (яъни ваъда қилинган мағфират ва жаннат) **Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, уни Ўзи**

хоҳлаган кишиларга ато этур. Аллоҳ улуғ фазлу марҳамат соҳибидир» (Ҳадид: 21).

Бухорий ва Аҳмад Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда мужоҳидлар имоми – соллаллоҳу алайҳи ва саллам – жиҳоднинг шарафи ва фазлини шундай баён қилиб бердилар: **«Жаннатда Аллоҳ Ўз йўлидаги мужоҳидларга тайёрлаб қўйган юзта даража бор. Ҳар икки даража оралиғи ер билан осмон оралиғичадир. Аллоҳдан сўрайдиган бўлсангиз, олий «Фирдавс» жаннатини сўранглар. Чунки у жаннатнинг энг ўртаси ва энг юқорисидир, жаннат анҳорлари ундан оқиб чиқади, Раҳмон таолонинг Арши унинг устидадир»** (Бухорий: 6/9, Саҳиҳул-жомийъ: №2126).

«Саҳиҳ Муслим»да Абу Саид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам

Абу Саидга айтдилар: **«Ким Аллоҳни парвардигор, Исломни дин ва Муҳаммадни пайғамбар деб рози бўлса, унга жаннат вожиб бўлади»**. Шунда Абу Саид: **«Ё Расулуллоҳ, буни менга яна бир қайтаринг»**, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна қайтардилар, кейин айтдилар: **«Яна бир иш борки, Аллоҳ у билан бандани жаннатда юз даража юксалтиради, ҳар икки даража ўртаси осмон билан ер оралиғичадир»**. «У нима, ё Расулуллоҳ?», деб сўради. **«Аллоҳ йўлидаги жиҳод»**, деб жавоб бердилар (Муслим (№1884), Насоий (6/19) ривоятлари).

Абу Абс Абдурраҳмон ибн Жабрдан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Кимнинг икки қадамига Аллоҳнинг йўлида чанг-ғубор етса, Аллоҳ уни дўзахга ҳаром**

қилади», деганлар (Бухорий (6/23), Термизий (№1632), Насоий (6/14) ривоятлари).

Бухорий Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Бир кун Аллоҳ йўлидаги рибот (яъни, қўриқчиликка ўзни боғлаш) дунё ва ундаги барча нарсадан яхшироқдир»** (Бухорий (6/11), Муслим (№1881) ривоятлари).

«Саҳиҳул Бухорий»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Аллоҳ йўлида олинган ҳар бир жароҳат қиёмат кунини жароҳат етган пайтдаги кўринишида, ранги қон рангида, ҳиди мушк ҳидида бўлиб келади».** (Бухорий (6/15), Муслим (№1876), Термизий (№1656) ривоятлари).

«Саҳиҳ Муслим»да Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Шаҳидларнинг руҳлари яшил қушларнинг ичида бўлиб, у (қуш)лар учун аршга илиб қўйилган қандиллар бордир, жаннатнинг истаган жойида сайр қилиб, кейин ўша қандилларга келиб жойлашадилар. Парвардигорлари уларга боқиб: «Бирон нарса истайсизларми?», деб сўради. Улар: «Яна нима иташимиз мумкин, жаннатда истаган жойимизда сайр қилиб юрибмиз-ку?», дейишди. (Парвардигорлари уларга) яна уч бор шундай (мурожаат) қилди. Улар ўзларига (мазкур) савол берилмай қўйилмаслигини кўрганларидан кейин: «Эй Парвардигор! Биз руҳларимиз яна жасадларимизга қайтарилишини ва**

сенинг йўлингда яна бир бор қатл қилинишимизни истаймиз», дедилар. Уларнинг (бошқа) бирон ҳожатлари йўқлигини кўргандан сўнг тек қўйилдилар» (Муслим (№1887), Термизий (№3014, 3015) ривоятлари).

Термизий ривоят қилган ҳадисда Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени ғамгин ҳолда кўриб: **«Нима бўлди, синиқ кўринасиз?»**, деб сўрадилар. Мен: «Отам Уҳуд куни шаҳид бўлди, бола-чақа ва қарз қўйиб кетди», дедим. **«Отангизни Аллоҳ қандай кутиб олганини айтайми?»**, дедилар. «Ҳа», дедим. У зот дедилар: **«Аллоҳ таоло бирон киши билан гаплашган бўлса, фақат парда ортидан гаплашган. У отангизни тирилтирди ва У билан юзма-юз (пардасиз) гаплашиб: «Эй бандам, Менга**

орзу қил, уни сенга ато этаман», деди. У: «Эй Раббим, мени тирилтирсанг ва яна бир бор ўлдирилсам», деди. Аллоҳ субҳанаҳу: «Менинг: «Улар энди унга (яъни дунё ҳаётига) қайтарилмайдилар» деган сўзим ўтгандир», деди». Шундан сўнг «Аллоҳ йўлидаги жангда ўлдирилган зотларни ҳаргиз ўликлар деб ўйламанг! Йўқ, улар тириклардир! У зотлар Аллоҳ Ўз фазлу карами билан берган неъматлардан хушнуд ҳолларида баҳраманд бўлмоқдалар» (Оли Имрон: 169) ояти нозил бўлди» (Термизий (№3013) ривояти).

Мана шу айтиб ўтилганлар туфайли ҳам «Саҳиҳ Муслим»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларки: **«Ким ғазот қилмасдан ва бу ишни дилига тугмасдан**

ўлса, мунофиқликнинг бир бўлагида ўлади» (Муслим (№1910), Абу Довуд (2, 25), Насоий (6/8) ривоятлари).

Шу қадар ҳадислар келтириш билан кифояланаман. Аслида, бу мавзуда жуда кўп ҳадислар бор.

Имом, мужоҳид Абдуллоҳ ибн Муборак раҳимаҳуллоҳ жанг майдонидан ўзларининг тақводор, обид ва зоҳид биродарлари, «икки ҳарам обиди» деб машҳур бўлган Фузайл ибн Иёз раҳимаҳуллоҳга жиҳоднинг шарафи ва фазлини баён қилувчи қуйидаги байтни йўллаган эдилар:

Эй Ҳарам обиди, айт, сен не билан машғулсан,

Билки, ибодат аталмиш овунчоқ-ла машҳурсан.

Юзларимиз қон зарбидан алвон тусга кирганда,

Юзларингни кўз ёш билан ювибми, сен мағрурсан?!

Димоғимиз чанг тўзону, дуд-тутундан қорайди,

Балки, мушк-анбар бўйидан, сен бугун масрурсан.

Муҳаммаднинг ваъдаси бор, сўзлари ростдир унинг,

«Жанг тўзони ичра юрсанг, сен оловдан мабрурсан».

Севикли дўстларим! Жиходнинг шарафи улуғ, фазли юқоридир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоблари буни яхши билганларидан Аллоҳ йўлида жонларини фидо этдилар. Суҳбатимиз давомида ана шу ҳақда сўз боради.

Учинчи: Порлоқ кўринишлар

Биринчи қаҳрамонимиз номи Анас ибн Назрдир.

Уҳуд жанги куни «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўлдирилганмишлар» деган хабар тарқалиб, айримлар саросимага тушиб, қўлларидаги қуроолларини ташлаб, таслим бўлиш ҳаракатига тушиб турганида улар олдидан Анас ибн Назр ўтиб қолди ва: «Нимага қараб турибсизлар?», деб сўради. Улар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўлдирилганмишлар», дейишди.

«Ундай бўлса, у зотдан кейин яшаб нима қиласизлар?! Туринглар, сизлар ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўлган иш устида ўлинглар!», деди у, сўнг: «Эй Парвардигор! Мен мана булар – яъни мусулмонлар – қилган ишдан Сендан узр сўрайман, ана улар – яъни мушриклар – қилган ишдан поклигимни Сенга эълон

қиламан», деди. Шундай деб олға интилди. Йўлида Саъд ибн Муоз дуч келиб: «Қаерга эй Абу Умар?», деб сўраган эди: «Оҳ, оҳ, жаннатнинг ҳидини топяпман эй Саъд, у Уҳуд томондан келмоқда», деди.

Сўнг жангга шўнғиб кетди ва то ўлгунича уришди. Жангдан сўнг унинг жасадини таний олмадилар, фақат синглиси унинг бармоғидан таниб олди. Баданида саксондан ортиқ найза, қилич ва камон ўқидан қолган жароҳатлар бор эди (Бухорий (7/274), Муслим (№3, 19), Термизй (№3198), Аҳмад (3/201) ривоятлари).

Иккинчи қаҳрамон номи Умайр ибн Хумомдир.

Бадр жанги куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жанггоҳ узра асҳобларини жангга тарғиб қила туриб: **«Эй одамлар! Кенглиги осмонлару ерча бўлган жаннат сари қўзғолинглар!»**

дедилар. Шунда Умайр ибн Хумом: «Ё Расулуллоҳ! Кенглиги осмонлару ерча бўлган жаннат, дедингизми?», деб сўради. «Ҳа!», дедилар у зот. Умайр: «Бай-бай», деб юборди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан: **«Нега «бай-бай» дедингиз?»** деб сўраган эдилар, у: «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳга қасамки, фақат унинг аҳлидан бўлиш орзу-иштиёқи мени шундай дейишга ундади», деди. **«Сиз унинг аҳлидансиз»**, дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Шунда у халтасидан бир неча дона хурмо чиқариб, ея бошлади, сўнг: «Агар шу хурмоларни еб тугатгунимча яшасам, бу жуда ҳам узоқ чўзилган ҳаёт бўлади», деди-да, уларни отиб юбориб, жангга шўнғиб кетди ва шу жангда шаҳид бўлди. (Аҳмад (3/136, 137), Муслим (№1901), Ҳоким (3/426) Анас ибн Моликдан ривоят қилганлар).

Кошкийди бу гапларни тожу-тахтга, емак-ичмагу шаҳватларга сиғинувчилар эшитганида.. Қаранг, бу улуғ саҳоба бир нечта хурмо егудек вақт яшашни ҳам жуда узоқ кўрмоқда.. Бир нечта хурмо ейиш вақти шунча узоқ ҳаёт бўлса... Аллоҳу акбар..

Учинчи қаҳрамонимиз янги уйланган ва чимилдиқдаги келинчак қучоғига яқиндагина кирган йигит эди. У «Жиҳодга шошилишлар!» нидосини эшитиб, келинчакнинг қучоғидан суғурилиб чиқди, ёки бошқача айтсак, иймон уни келинчакнинг бағридан суғуриб олди ва у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида биринчи сафда туриш шарафига етиш мақсадида жанг майдонига ошиқди ва шу жангда шаҳидликка эришди. Уруш ниҳоясига етгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга хабар келди: «Ё Расулуллоҳ,

Ҳанзаланинг баданидан сув томчилаб турган экан». Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг жасадини малоикалар ювганини айтдилар. Сўнг: «Оиласидан сўрангларчи, нега шундай бўлди экан?», дедилар. Аёлидан сўралганда Ҳанзала унинг, яъни янги келичакнинг оғушида эканида жарчининг жангга чорловини эшитиб, шошилиб, ғусл қилмасданоқ чиқиб кетганини айтиб берди. Шундан Ҳанзаланинг номи «Ғасилул-малоика» (фаришталар томонидан ювилган) деб аталди. (Ҳоким (3/204, 205), Байҳақий (4/15) ва бошқалар ривоят қилганлар).

Улар ҳақиқий қаҳрамонлар эди.. Улар дунёнинг ҳақиқатини яхши англаган эрлар эди..

Эй Парвардигор! Биз Сени гувоҳ қилиб айтамызки, биз Сенинг йўлингда жиҳод

қилишни яхши кўрамиз. Эй Парвардигор!
Биз Сени гувоҳ қилиб айтамызки, биз
Сенинг йўлингда жиҳод қилишни орзу
қиламыз.. Эй Парвардигор! Биз Сени гувоҳ
қилиб айтамызки, агар жарчи: «Эй
Аллоҳнинг лашкари, отланинг! Жиҳодга
шошилинг!» деб жар солса, бизнинг
ёшларимиз ичидан ҳам худди Ҳанзалага
ўхшаганлар, Умайрга ўхшаганлар, Холидга
ўхшаганлар чиқишига Ўзинг гувоҳ
бўлардинг!

Эй Парвардигор! Ўз раҳматинг билан
жиҳод байроғини юксалтиргин, Ўзинг фасод
ва залолат аҳлини қуритгин эй
раҳмлиларнинг раҳмлироғи!

**Тўртинчи: Жиҳод майдонида ортга
қочиш гуноҳи кабирадир**

Севикли дўстларим! Шунинг учун ҳам
Аллоҳ таоло жиҳод майдонида ортга

қочишни ҳаром қилди ва Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай қилишни гуноҳи кабира деб санадилар.

Аллоҳ таоло айтади:

«Эй мўминлар, (кофир) жамоатга рўбарў бўлганингизда саботли бўлингиз ва доимо Аллоҳни ёд этингиз, шояд нажот топурсизлар» (Анфол: 45).

«Эй мўминлар, кофирларнинг ҳужумига дуч келганингизда уларга орқа ўгирманглар (яъни қочманглар). Кимки ўша (уруш) кунида жанг йўсинини ўзгартириш ёки бошқа бир гуруҳ (мусулмонларга) қўшилишдан ташқари ҳолатда, уларга (кофирларга) орқа ўгириб қочса, бас, у Аллоҳ тарафидан ғазабга лойиқ бўлибди ва унинг жойи Жаҳаннамдир. Нақадар ёмон оқибат-а!» (Анфол: 15-16).

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Еттита ҳалок қилувчи (гуноҳлар)дан сақланинглари!»**. «Ё Расулуллоҳ, улар қайсилар?», деб сўрадилар. **«Аллоҳга ширк келтириш, сеҳргарлик, ноҳақ одам ўлдириш, судхўрлик, етимнинг молини ейиш, жанг пайтида ортга қочиш, покиза ва фаҳшдан беҳабар мўмина аёлларни бузуқлик билан тухматлаш»**, дедилар (Бухорий (5/294), Муслим (№89) ривоятлари).

Иккинчи хутба:

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва йўлларига йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир кишига кўпдан-кўп саловоту саломлар йўллагин.

Аммо баъд...

Бешинчи: Иззат фақат жиҳод биландир

Севикли дўстларим! Уммат Аллоҳ таоло унинг зиммасига азиз ва мақтовли ҳолда яшаши ёки шаҳид бўлиб, бахтли ҳолда Унга йўлиқиши учун фарз қилган жиҳодни тарк қилган кунидан заифликка юз тутди, хорлик ва хўрликка гирифтор бўлди. Аллоҳга қасамки, уммат Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу диннинг ўрқачи деб таърифлаган жиҳодни зое қилган кунидан ўзи ҳам зое бўлди. Душманларимиз умматни жиҳоддан тўсишга қаттиқ ҳарис бўлишди, мусулмонлар авлоди жиҳод

руҳида ва қаҳрамон мужоҳидлар сийратида тарбияланиб қолмаслиги учун, уммат хор ва синиқ ҳолда, худди ёмғирли кечада тирқираб кетган қўй подаси каби тарқоқ ҳолда қолаверишига зўр бериб уринишди..

Ушбу ҳаракатлар самараси ўлароқ, ҳақиқатан мусулмонлар онгида жиҳод тушунчаси кундан-кун кичрайиб борди ва охири бориб, жиҳодга бўлган даъват жуда совуқ қарши олинадиган бўлиб қолди.

Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, кунлар ўтиб, Хавфсизлик Кенгаши, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро йиғинлар умматга унинг ҳақ-ҳуқуқларини қайтариб беришга қодир эмаслиги, ҳақсиз тўкилаётган қонларни эгаларига ҳеч қачон қайтариб беролмаслиги, бу умматга унинг шахсияти, ҳурмати ва раҳбарлиги асло қайтарилмаслиги амалий равишда исботланди, буларни қайтариб олишнинг

ягона йўли умматда жиҳод руҳини қайта тирилтиришдир, бу эса аввал-бошидан қалбларни лой ва балчиққа, ер ва тупроққа мойилликдан қутқариш билан ҳосил бўлади.

Буюк Арш Соҳиби бўлган Аллоҳ таолодан умматни Исломга гўзал шаклда қайтаришини сўраймиз..

2011 йил 23-март